



ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг маслаҳатчиси –
Давлат геология қўмитаси раиси
Давлат захиралари комиссияси раиси

Б.Ф. Исламов

2022 й. "26" сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
хузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат
комиссияси мажлисининг**

1185-сон баённомаси

2022 й. "16" сентябрь

Тошкент ш.

Раислик қилувчи: Исламов Б.Ф. – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Давлат геология қўмитаси раиси, Давлат захиралари комиссияси раиси.

Иштирокчилар: Давлат захиралари комиссияси (кейинги ўринларда ДЗК деб аталади) аъзолари, ДЗК ишчи гуруҳ ходимлари, ижрочилар, экспертлар, манфаатдор шахслар.

**1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг қаттиқ
фойдали қазилмаларда халқаро талабларга мослаштирилган
геология-қидирув ишларини олиб боришга оид услубий ҳужжатларни
кўриб чиқиш тўғрисида**

(Исламов, Мирхадиев, Алимов, Арипов, Холиков, Руднев, Авладов, Охунов,
Глейзер, Тарасов, Исламов)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 декабрдаги 02-06/1-657-сонли баённомасининг 2-бандига мувофиқ "НКМК" АЖ томонидан фойдали қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссияси (ДЗК) ва CRIRSCO қўмитаси (JORC кодекси) талабларини уйғунлаштириш ва гармонизация қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

ДЗК талаблари батафсил услубий тавсияларга асосланади, унинг аниқ бажарилиши асосий натижасини кафолатлайди – захираларни балансга қўйиш.

Сўнгги 30 йил ичида талабларни янгиланмаганлиги ва муҳумлигини йўқотганлиги сабабли услубий тавсияларнинг заиф томонини кўрсатади. Услубий тавсияларда янги пайдо бўлган усуллар ҳисобга олинмайди ва шунга мос равишда янги усуллар расмий равишда қўлланилмайди ёки захираларни ҳисоблашда ва режалаштиришда чекловлар билан қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, баъзи тавсиялар эскирган бўлиб ва замонавий технологияларга жавоб бермайди.

Гармонизациянинг асосий вазифаси – JORC кодекси ва ДЗК нинг талабларига мувофиқ баҳолашни амалга оширишга имкон берадиган ягона ишончли асосни тайёрлашдир.

Ягона асос – ҳар иккала талабларга жавоб берадиган батафсил ва сифат жиҳатидан дастлабки маълумотларни таъминлаш, дастлабки маълумотларни тўплашда ишларнинг такрорланишини бартараф этиш, кейинги техник тадқиқотлар учун ягона ресурс модели шаклида ягона геологик асосни таъминлаш, кончиликнинг ягона стратегиясини асослаш, заҳираларни баҳолашда ягона иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш.

Ҳар қандай техник тадқиқотларни ўтказиш учун ягона асоснинг мавжудлиги конни балансга киритиш учун ҳам, молиялаштириш учун ҳам зарур бўлган натижалар ва баҳолашни имконини беради.

Бундан ташқари, ягона геологик асосда амалга оширилган техник тадқиқотлар, шунингдек, ишларни юқори сифатли бажариш билан иккала кодекснинг талабларига ҳам мос келиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мослаштириш Давлат геология қўмитаси “МРИ” ДМ нинг амалдаги лойиҳаси доирасида “Давлат ахборот маркази” ДК, “ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ” МЧЖ, “Регионалгеология” ДУК, “Геология фанлари университети” ДМ, “Ўзбек геология қидирув” АЖ, “ГИДРОИНГЕО институти” ДМ – моделлаштириш, кончилик, бурғилаш, намуна олиш, лаборатория ва таҳлилий ишлар, иқтисодиёт ва гидрогеология бўйича тегишли мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилди.

Давлат геология қўмитаси Раиси томонидан тасдиқланган “Йўл харитаси” га асосан қуйидаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда:

1. “Бурғилаш кудуқларни геологик ҳужжатлаштириш бўйича услубий тавсиялар”. Муаллифлар: Тарасов А., Джаббаров Р.

Услубий тавсиялар илгари мавжуд бўлган йўриқномалар, ўқув қўлланмалар, ишланмалар, шунингдек, Ўзбекистон геология саноати етакчи мутахассисларининг тавсиялари ва CRIRSCO қўмитаси талаблари асосида ишлаб чиқилган. Услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси геология саноати ташкилотларида бурғилаш ва бурғилаш кудуқларини ҳужжатлаштириш билан шуғулланувчи геологлар, техник-геологлар ва бурғилаш ходимлари учун мўлжалланган. Ишнинг асосий вазифаси – қидирув жараёнининг барча босқичларида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси геология саноати ташкилотларида халқаро талабларга мувофиқ кудуқларни ҳужжатлаштиришга ягона талабларни ишлаб чиқишдан иборат.

2. “Қаттиқ фойдали қазилмаларда геология-қидирув ишларини олиб боришда халқаро талабларга мувофиқ маълумотлар сифати назоратини таъминлаш бўйича услубий тавсиялар”. Муаллифлар: Тарасов А., Джаббаров Р.

Геология-қидирув ишларини олиб боришнинг ягона қоидаларини, шу жумладан бурғилаш ишларини, кон ишларини ва кудуқ конларини ҳужжатлаштиришни, кудуқларни бурғилашга қўйиладиган талабларни, намуналар олиш ва намуналарни тайёрлаш, намуна олиш сифатини назорат қилиш ва лаборатория тадқиқотлари таҳлилини назорат қилиш, бойитиш бўйича

технологик тадқиқотлар ўтказиш учун технологик намуналарни танлашга қўйиладиган талаблар мақсадида услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Геология-қидирув ишлари сифати ва ишончилигини ошириш ҳамда қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича геология-қидирув ишлари натижаларини назорат қилиш ва сифати бўйича халқаро талабларга мувофиқлигини ошириш мақсадида биринчи марта услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. “Бурғилаш кернасининг геомеханик ҳужжатлаштириш бўйича услубий қўлланма”. Муаллифлар: Тарасов А., Джаббаров Р.

Ушбу қўлланма халқаро талабларга мувофиқ тузилган. Талаблар конларни лойиҳалашда коннинг муҳандислик-геология (геотехник) шароитларини аниқлаш учун геотехника соҳасидаги халқаро жамиятларнинг тавсияларига асосланади.

4. “Қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг таснифи”. Муаллифлар: Глейзер Л.М., Зималина В.Я., Охунов А.Х., Арипов Ш.П.

Қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг ушбу таснифи (кейинги ўринларда Таснифлаш деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси учун умумий бўлган қаттиқ фойдали қазилмаларнинг захиралари ва башоратли ресурсларини, уларнинг ўрганилган даражаси ва иқтисодий аҳамиятига кўра таснифлаш тамойилларини белгилайди.

Таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан 1999 йил 20 июлда тасдиқланган “Қаттиқ фойдали қазилма конлари захиралари ва башоратли ресурсларининг таснифи” ўрнига ишлаб чиқилган.

Таснифлашнинг янги таҳририга қаттиқ фойдали қазилмаларни геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиёти ҳамда уларни таснифлаш стандартларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Кон захиралари аҳамиятига кўра геологик захиралар ва эксплуатацион захираларига бўлинади, геологик ва эксплуатацион захираларни ҳисоблаш ва тасдиқлаш тартиби берилган, баланс ва балансдан ташқари захиралар тушунчалари аниқланган. Бунга кўра алоҳида бўлимлар киритилди: геологик захиралар тоифалари, башоратли ресурсларининг тоифалари, эксплуатацион захиралари тоифалари.

5. “Олтин маъданли конларга нисбатан захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома”. Муаллифлар: Глейзер Л.М., Зималина В.Я.

Ушбу йўриқнома Давлат геология қўмитаси томонидан 2000 йил 30 июнда тасдиқланган “Олтин маъданли конларга нисбатан захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома” ўрнига ишлаб чиқилган. Олтин конларини баҳолаш ва қидириш ҳамда захираларни ҳисоблаш бўйича геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг янги таснифига (ДЗК) мувофиқ қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

- Республика олтин конларининг ўрнатилган морфологик турлари аниқланган;
- конни баҳолаш ва қидириш усуллари аниқликлар киритилди;
- геологик захираларни ҳисоблаш бўйича талаблар аниқланган;

- конларни қидириш ва ўзлаштириш маълумотларини таққослаш натижалари бўйича номувофиқликлар аниқланганда захираларни қайта ҳисоблаш асослари келтирилган;

- захираларни ҳисоблашда қабул қилинган усуллар аниқланган;

- A₁ ва A₂ тоифалардаги олтин мавжуд бўлган маъданларнинг эксплуатацион захираларини ҳисоблаш "Қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг таснифи" га мувофиқ амалга оширилиши кўрсатилган;

- "Олтин конларини қидириш даражасини баҳолаш" ва "Захираларни қайта ҳисоблаш ва қайта тасдиқлаш" каби янги бўлимлар жорий этилди.

6. "Геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом (қаттиқ фойдали қазилмалар)". Муаллифлар: Глейзер Л.М., Зималина В.Я., Охунов А.Х., Арипов Ш.П.

Ушбу Низом Давлат геология қўмитаси томонидан 1999 йил 3 сентябрда тасдиқланган "Геология-қидирув ишларини босқичма-босқич олиб бориш бўйича услубий кўрсатмалар (қаттиқ фойдали қазилмалар)" ўрнига ишлаб чиқилган.

Низомнинг мақсади геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиётни, шунингдек, қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг янги таснифини ҳисобга олган ҳолда геология-қидирув жараёнини оптималлаштириш, қидирув ишлари самарадорлигини оширишдан иборат.

Услубий кўрсатмаларнинг аввалги таҳририга қуйидаги асосий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- регионал геология-қидирув ишларининг 1 ва 2-босқичларини бирлаштириш, шунингдек, "кон қидириш" ва "конни қўшимча қидириш" босқичларини бир босқич – "қидирув ишлари" га бирлаштириш йўли билан босқичлар сони 7 дан 5 гача қисқартирилди;

- "дастлабки баҳолаш" ва "муфассал баҳолаш" кичик босқичлари "баҳолаш" (баҳолаш ишлари) босқичидан чиқариб ташланади, чунки босқичнинг ушбу кичик босқичлари моҳиятан бир хил вазифани "баҳолаш" ни англатади. Объектнинг саноат қиймати ва уларни амалга ошириш натижалари бўйича объектнинг захиралари асосан C₂ тоифасида ҳисобланади. Кичик босқичларни чиқарилиши объектни баҳолаш вақтини сезиларли даражада қисқартиришга, шунингдек иккита лойиҳани, ҳисоботларни, техник-иқтисодий асосларини (ТИА) тайёрлаш билан боғлиқ молиявий харажатларни камайтиришга олиб келади;

- умумий геологик ва минералогик аҳамиятга эга регионал ишлар натижаларига қўйиладиган вазифалар ва талаблар белгиланди;

- кичик, ўрта ва йирик миқёсдаги геологик-тасвирлаш ишларининг амалий яқунланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида регионал-геологик тадқиқотларнинг асосий юналиши, уни комплекс геологик қўшимча ишлар амалга ошириш билан, аниқ функционал иш турларини ўрганилганлик даражасини инобатга олган ҳолда (ХГҚЎ, ЧГХ, КФГХ, геофизик, геохимёвий, тематик) тадқиқотлар чуқурлигини ошириш.

- илгарилама махсуслаштирилган қидирув ва муфассал қидирув ишларини олиб бориш шартларига аниқлик киритилди;

- "Эксплуатацион қидирув" босқичига қўшимчалар киритилди. Илгарилама ва эксплуатацияга ҳамроҳ бўлган қидирув ишлари ажратиб олинди.

7. **“Геологик қидирув ишларини олиб бориш жараёнида қимматбаҳо металллар конларида технологик тадқиқлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма”.** Муаллиф: Хамидуллаев Б., Алимов Р.

Ушбу услубий қўлланмада қимматбаҳо металллар конларини ўрганишда технологик тадқиқотлар методологиясига қўйиладиган асосий талаблар белгиланган.

Қўлланмани тузишда қимматбаҳо ва рангли металллар конларини технологик ўрганиш бўйича меъёрий-услубий ҳужжатлар талаблари, шунингдек, махсус ва даврий адабиётларда мавжуд бўлган технологик тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган.

8. **“Конларни блокли моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда қаттиқ фойдали қазилмалар захираларини техник-иқтисодий асослаш (ТИА) ва ҳисоблаш бўйича Давлат захиралари комиссиясига тақдим этиладиган материалларнинг таркиби ва рўйхатга олиш қоидалари бўйича услубий кўрсатмалар”.** Муаллифлар: Охунов А., Нурманов Ф., Ашуров Б., Абдурахманов Х., Тарасов А., Атакузиев У.

Ушбу услубий кўрсатмалар блокли моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда қаттиқ фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаш шароитларини ТИА бўйича Давлат захиралари комиссиясига материалларнинг мазмуни, бажарилиши ва тақдим этиш тартибига қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

Ишнинг асосий вазифаси халқаро талабларга мувофиқ, блокли моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича шароитларни ТИА ва захираларни ҳисоблаш учун материалларга ягона талабларни ишлаб чиқишдан иборат.

9. **“Геология-қидирув қудуқларини бурғилаш учун ишлаб чиқариш корхоналарида бурғилаш ишларини ташкил этиш ва технологияси бўйича йўриқномалар, Низомлар тўплами”.** Муаллифлар: Муратов Н., Магдиев Ф., Чванов В.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаттиқ фойдали қазилмаларни излаш ва қидириш жараёнларида ишларни, функцияларни ва операцияларни бажариш тартиби ва қоидаларини, шунингдек, геология-қидирув бурғилаш ишларини бажаришда функционал боғлиқ бўлган мутахассислар ва ишчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартиби ва қоидаларини тартибга солувчи меъёрий-техник ҳужжатдир.

Бурғилаш ишлари давомида олинган геологик маълумотларнинг сифати ва ишончилигига қўйиладиган халқаро талаблар ҳозирги вақтда мавжуд услубий кўрсатмалар, қўлланмалар, Низомлар ва йўриқномаларни максимал даражада унификация қилишни талаб этади.

Тўпламда келтирилган услубий кўрсатмалар, Низомлар, қўлланмалар ва йўриқномаларнинг қатъий бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида бурғилаш ишларининг юқори самарадорлигини таъминлаши керак.

10. **Магматик жинслар конларига нисбатан захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома.** Муаллифлар: Хакбердиев Н., Панченкова Л.

Ушбу “Йўриқнома” магматик тоғ жинслари конларини ўрганиш ва захираларини ҳисоблаш бўйича асосий талабларни, уларнинг саноатда ўзлаштиришга тайёрлик даражасини белгилайди.

“Йўриқнома” Давлат геология қўмитаси томонидан 2002 йил 20 майда тасдиқланган “Магматик жинслар конларига нисбатан захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома” ўрнига ишлаб чиқилган. Магматик конларини баҳолаш ва қидириш ҳамда захираларни ҳисоблаш бўйича геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг янги таснифига (ДЗК) мувофиқ тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

11. Карбонатли жинслар конларига захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома. *Муаллифлар: Асабаев Д., Эргешов А.*

Ушбу “Йўриқнома” карбонат жинслари конларини ўрганиш ва захираларини ҳисоблаш бўйича асосий талабларни, уларнинг саноатда ўзлаштиришга тайёрлик даражасини белгилайди.

“Йўриқнома” Давлат геология қўмитаси томонидан 2001 йил 16 сентябрда тасдиқланган “Карбонатли жинслар конларига захиралар таснифини қўллашга доир йўриқнома” ўрнига ишлаб чиқилган. Карбонатли тоғ жинслар конларини баҳолаш ва қидириш ҳамда захираларни ҳисоблаш бўйича геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг янги таснифига (ДЗК) мувофиқ тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

12. Қум ва шағал конларига захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома. *Муаллифлар: Асабаев Д., Эргешов А.*

Ушбу “Йўриқнома” қум ва шағал конларини ўрганиш ва захираларини ҳисоблаш бўйича асосий талабларни, уларнинг саноатда ўзлаштиришга тайёрлик даражасини белгилайди.

“Йўриқнома” Давлат геология қўмитаси томонидан 2001 йил 1 августда тасдиқланган “Қум ва шағал конларига захиралар таснифини қўллашга оид йўриқнома” ўрнига ишлаб чиқилган. Қум ва шағал конларини баҳолаш ва қидириш ҳамда захираларни ҳисоблаш бўйича геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг янги таснифига (ДЗК) мувофиқ тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Ҳозирги вақтда “Девор блоклари ишлаб чиқариш” ва “Цементларни синовдан ўтказиш” ишлаб чиқаришда қўлланилмаганлиги сабабли ушбу бўлимлар “Йўриқнома” дан чиқарилди.

13. Гилли жинслар конларига нисбатан захиралар таснифини қўллаш бўйича йўриқнома. *Муаллифлар: Асабаев Д., Эргешов А.*

Ушбу “Йўриқнома” гилли жинслар конларини ўрганиш ва захираларини ҳисоблаш бўйича асосий талабларни, уларнинг саноатда ўзлаштиришга тайёрлик даражасини белгилайди.

“Йўриқнома” Давлат геология қўмитаси томонидан 2001 йил 13 апрелда тасдиқланган “Гилли жинс конларига нисбатан захиралар таснифини қўллаш бўйича йўриқнома” ўрнига ишлаб чиқилган. Гилли жинслар конларини баҳолаш ва қидириш ҳамда захираларни ҳисоблаш бўйича геология-қидирув ишларининг маҳаллий ва хорижий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қаттиқ фойдали қазилмалар захиралари ва башоратли ресурсларининг янги таснифига (ДЗК) мувофиқ тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

2. Ўзаро фикр алмашиб, **Давлат комиссияси қарор қилади:**


2.1. Давлат геология қўмитасининг таклифига розилик билдирилсин.

2.2. Давлат геология қўмитаси томонидан 2022 йил 9 февралда тасдиқланган “Йўл харитаси” га мувофиқ, ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тасдиқлансин.


Котиб




Арипов Ш.П.



Ибрагимов А.Э.




Пулатов Э.Г.



Муратов Н.Д.




Хакбердиев Н.М.




Панченкова Л.А.




Магдиев Ф.Н.




Чванов В.




Глейзер Л.М.



Джаббаров Р.А.




Тарасов А.Г.



Нурманов Ф.У.



Охунов А.Х.



Асабаев Д.Х.



Хамидуллаев Б.Н.




Алимов Р.



Атакузиев У.А.



Ашуров Б.Н.



Абдурахмонов Х.Х.